



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2019 йил 13 июнь, пайшанба

Газета 1966 йил
1 июндан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 94 (13.941)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН – ШҲТ: ХАЛҚАРО МИҚЁСДАГИ ТАШАББУСЛАР РЎБИ

Бугун барча мамлакатлар глобал ривожланиш мақсадлари сари дадил одимламоқда. Ушбу интилиш долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар бўйича фикр алмашиш асносида уларга биргаликда ечим топиш, инсоният ҳамжамияти учун ягона тақдир ҳосяини шакллантириш имконини бермоқда.

Хусусан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ўз фаолияти доирасида янги мазмундаги халқаро муносабатларни илгари суришга алоҳида эътибор бермоқда. Шу орқали барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлидаги минтақавий ҳамкорлик фаолияти халқаро ҳамжамият мезонлари билан уйғунлик касб этиб бермоқда.

Хитойда 2001 йил 15 июнда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти декларацияси қабул қилинди ва дунё сиёсий тарихида янги минтақавий тузилмага асос солинди.

Ўзбекистон ташкилот аъзоси ва асосчиларидан бири сифатида ШҲТ доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш тарафдоридир. Мамлакатимиз бугунги кунда ШҲТнинг кўп томонлама савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик, терроризм, экстремизм, наркотик моддаларнинг ноқонуний савдоси, трансмилий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш соҳаларидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Қайд этиш жоиз, ўтган вақт мобайнида ташкилот минтақавий ҳамкорликнинг халқаро ташкилотлар билан самарали шериклик шаклини яратди. Буни ташкилотга аъзо давлатларнинг тенг ҳуқуқлилик асосида бирлашиши, тузилма фаолиятининг бошқа давлатлар манфаатига қарши қаратилмагани, демократик, адолатли ва оқилона янги халқаро сиёсий ва иқтисодий тартибни яратишга бўлган интилиш билан изоҳлаш мумкин.

Бугунги кунда ташкилотнинг салмоқли шартномавий-ҳуқуқий базаси шакллантирилган, 30 га яқин ишчи органи фаолият кўрсатиб келмоқда. ШҲТ Евроосий минтақаси умумий ҳудудининг 60 фоизини ташкил қилади. Унга аъзо давлатлар ҳудудида 3 миллиардга яқин аҳоли истиқомат қилади. Бу эса унинг асосий фаолият йўналишлари – иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашдаги салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда. Буни ШҲТга аъзо давлатлар иқтисодиёти дунё иқтисодиётининг 20 фоизини ташкил қилаётгани ҳам тасдиқлайди.

Жаҳонда нуфузи ортиб бораётган ташкилотнинг турли таҳдидларга қарши биргаликда курашиш, тинчлик, фаровон ҳаётга эришишдек эзгу мақсадларини рўйбга чиқаришда қароргоҳи Тошкентда жойлашган Минтақавий ақсилтеррор тузилмасининг фаолияти ҳам муҳим ўрин тутмоқда.

ШҲТга ҳар йили аъзо мамлакатлардан бири раислик қилади. Ўзбекистоннинг ташкилотга раислиги даврида кўп томонлама ҳамкорликнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, хавфсизлик кенгашлири котиблари учрашувлари механизми яратилди, ШҲТ Минтақавий ақсилтеррор тузилмасига раислик қилиш тартиби ва ШҲТ кузатувчиларининг ташкилотдаги мақоми белгиланди. Шунингдек, БМТ билан алоқалар ўрнатилди, ташкилотга янги аъзолар қабул қилиш қоидалари тасдиқланди, Хиндистон ва Покистоннинг ШҲТ аъзолиги мақоми қабул қилишларидаги мажбуриятлари акс этган меморандум имзоланди.

(Давоми 2-бетда)



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



"Ташаббус – 2019"

РАҒБАТ ВА МУВАФФАҚИЯТЛАР ЭЪТИРОФИ

Ёшлар ижод саройида тадбиркор ва хунармандларнинг ўзига хос кўригига айланган Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун "Ташаббус – 2019" кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда танловнинг туман босқичларида муваффақиятли иштирок этган 44 нафардан зиёд тадбиркор ва хунарманд қатнашди. Дастлаб иштирокчилар қурилиш, тиббиёт, қандолатчилик, махсус ва болалар кийимлари, чармдан тайёрланган сумка, оёқ кийимлар сингари кенг турдаги махсулотларни намойиш этишди. Хунармандлар эса мусиқа асбоблари, миллий либослар, зебу зийнатлар, тикувчилик ва кашта, ёғоч уймақорлиги буюмлари билан кўргазмани янада бойитди.

— Аънавий тарзда ўтказилаётган танлов кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, миллий хунармандчилик аънавларини асраб-авайлашда муҳим омил бўлмоқда, — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси сектор мудири Абдурашул Раҳимов. — Мамлакатимизда кичик бизнес тадбиркорларга янги имкониятлар ва енгилликлар яратилиб, иқтисодиётнинг аксарият соҳаларида уларнинг улуши ортиб бораётганлигини ҳеч иккиланмасдан айтишимиз мумкин. Ўзбекистонимизнинг келажагини яратишда улкан ҳиссаларини кўшаётган ишбилармонларга бугунги кунда Президентимиз томонидан катта ишонч билдирилмоқда. Тегишли қонунлар, меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқирилиб, хусусий мулк эгаларини қўллаб-қувватлашда улкан вазибалар белгиланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 14 апрелдаги фармойиши ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2019 йил 18 апрелдаги қарорига асосан "Ташаббус" кўрик-танловининг туман босқичлари жорий йилнинг 25 апрелидан 10 майга қадар бўлиб ўтди ва унда 650 нафардан зиёд тадбиркор ва хунармандлар иштирок этди. Танловнинг шаҳар босқичида тадбиркорлар ва хунармандлар томонидан кўргазмага қўйилган махсулотлар, хизматлар ва йўналишлар ҳам ранг-баранг бўлганини алоҳида эътироф этиш жоиз.

— Бугунги кунда қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, бир қатор Фармон ва қарорлар давлатимиз раҳбари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка катта эътибор қаратилаётганини яққол мисолдир, — дейди "AKFA MEDLINE" тиббиёт марказининг марке-

тинг бўйича менежери Санжар Акбаров. — Корхонамиз Марказий Осиёдаги диагностика, даволаш ва мураккаб кардиохирургик, гинекологик, урологик, қон томирлари, ортопедик операцияларни амалга ошириш учун зарур бўлган замонавий жиҳозларга эга хусусий кўп профили тиббий марказдир. Мазкур тиббиёт маркази энг сўнгги русумдаги асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Унда яқини малакали мутахассислар фаолият юритмоқда. 400 дан ортқ иш ўрни яратилиб, чет давлатлардаги етакчи тиббиёт марказларида фаолият юритаётган ўзбекистонлик мутахассислар ҳам жалб қилинган.

Танлов натижаларига кўра, "Саноат соҳасида йилнинг энг яхши тадбиркори" йўналишида биринчи ўрин Сергели туманидаги "ORIGINAL TEXTILE AND PRINT" МЧЖ раҳбари Умидилло Салиевга nasib этди. "Хизмат кўрсатиш соҳасида йилнинг энг яхши тадбиркори" номинациясида биринчи ўринни "AKFA MEDLINE" МЧЖ раҳбари Камолат Мирзалиева эгаллади. "Йилнинг энг яхши ёш тадбиркори" деб Миробод туманидаги "RAVSHAN YODIC PRODUCTION" МЧЖ раҳбари Рустам Бўриев топилди. "Энг яхши хунарманд" номига Чилонзор туманидан Насиба Исақова эга бўлди. Шунингдек, "Энг яхши тадбиркор аёл" Гулнора Тешабоева, "Энг яхши инновацион лойиҳа" "BAHOR NUR" МЧЖ, "Энг яхши экспортчи" "SHIRIN SHAKAR BUZNES" МЧЖ, "Йилнинг энг яхши махсулоти" "BEKMAN-PLYUS" МЧЖ, "Энг маъсулотили ижтимоий шерик" "BAL TIC CONTROL TASHKENT" МЧЖлар эгаллашди.

Ғолиб ва совриндорларга кўрик-танлов ташкилотчилари ва ҳомийлар томонидан эсдалик совғалар ва дипломлар топширилди. Тошкент шаҳар босқичида биринчи ўрин олган тадбиркор ва хунарманд Республика босқичига йўланмани кўлга киритишди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки аънавий тарзда ўтказиб келинаётган "Ташаббус" кўрик-танлови мамлакатимизда кичик бизнесни ва хунармандчиликни ривожлантириш, мазкур соҳа вакилларини ҳар томонлама рағбатлантириш, янги марралар сари илҳомлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Мазкур танлов тадбиркорлар ва хунармандларнинг йилдан йилга ортиб бораётган салоҳиятини намойиш этди, энг яхши тажрибасини кенг омалаштиришга хизмат қилмоқда.

Зиёда РАСУЛОВА

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

Пойтахтимизда академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадаси IV босқичи ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Касб-хунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Фан олимпиадалари тараққиёт истиқболини белгилайдиган омиллардан бири. Боиси, ушбу заковат баҳси ёш истеъдод эгаларини кашф этади. Мазкур билимлар беллашувларида тобланган ёшларни келажақдаги етуқ олимлар, ихтирочилар, кашфиётчилар, деб аташ мумкин. Зеро, инсон капитали давлатларнинг тақдирини белгилайдиган мезонга айланган XXI асрда мамлакатимиз ҳам креатив ёндашув, дунёқараш ва ғояларга эга янги авлодга эҳтиёж сезади.

Юртимизда 11 йиллик узлуксиз таълимга ўтилиши муносабати билан бу йилги фан олимпиадасида академик лицейлар, касб-хунар коллежлари билан бирга умумтаълим мактабларининг 11-синф ўқувчилари ҳам фаол қатнашди. Олимпиада жараёни ҳолисона ўтказилишини таъминлаш мақсадида ҳакамлар ҳайъати ва апелляция комиссияси таркиби Касб-хунар таълими маркази, Давлат тест маркази, олий таълим муассасалари ва Халқ таълими вазирлигининг тақлифлари асосида Фанлар академияси институтлари, жойлардаги олий таълим даргоҳларининг етакчи олим-педагоглари, касб-хунар таълими, умумтаълим масканларининг етакчи ўқитувчиларидан шакллантирилди. Мазкур жараённинг хо-

лис, ҳаққоний, шаффоф тарзда ўтишига жиддий ёндашилди.

Жами 1059 нафар ўқувчи олимпиадани республика босқичида иштирок этиш учун йўланмани кўлга киритди. Заковат баҳсида ўқувчилар 20 та умумтаълим фанидан ўз билимларини синовдан ўтказди. Иштирокчиларнинг билим даражаси, мустақил ва мантиқий фикрлаш қобилияти каби жиҳатларга асосий эътибор қаратилди.

— Мен она тили ва адабиёти фани бўйича биринчи ўринга муносиб топилганимдан ғоят ҳаяжондаман, — дейди Наманган давлат академик лицейи ўқувчиси Сарвиноз Уришбоева. — Фан олимпиадаси ўқувчилардан катъий ирода, пухта билимни талаб этади. Юртимизда яра-

тилган шароитлар билимларимизни янада чархлашга, истеъдодимизни тўлақонли намойиш этишга чорламоқда.

— Юртимизнинг энг олис ҳудудидан келиб шундай заковат беллашувида биринчи ўринни кўлга киритганимдан жуда мамнунман, — дейди Қорақалпоғистоннинг Қораўзақ тумани 1-умумтаълим мактаби ўқувчиси Айзада Тилевова. — Бу, энг аввало, устозларимиз меҳнати, давлатимизда ёшларга кўрсатилаётган эътиборнинг амалий натижасидир.

Фан олимпиадаси ғолиблари тақдирланди. Улар олий таълим муассасаларига имтиёзли асосда ўқишга кириш ҳуқуқини кўлга киритди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Қашқадарё вилоятида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси сафида миллат манфаатлари йўлида астойдил жон қуйдираётган 30 нафар ҳарбий хизматчи янги уй соҳибларига айланди. Мамлакатимизда Миллий армиямизнинг жанговар салоҳиятини юксалтириш, ҳарбий хизматчиларнинг хизмат ва яшаш шароитини яхшилаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилиб, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари учун бунёд этилган мазкур уйлар бунинг амалдаги ифодасидир.

• Жиззах шаҳри "Тошлок" маҳалласида "Афросиёб кучи" маъсулияти чекланган жамияти томонидан 70 ўринли "LEGO SAD" нодавлат мактабгача таълим муассасаси ишга туширилди. Лойиҳа қиймати 2 миллиард 238 миллион сўм бўлган уч қаватли замонавий иншоотни бунёд этишда "Қишлоқ қурилиш банк" Жиззах минтақавий филиалининг 1 миллиард 679 миллион сўм кредитдан фойдаланилди. Боғчанинг хоналари кенг ва ёруғ. Болалар эҳнини ўстиришга мўлжалланган ўйинчоқлар, замонавий ўқув қуроллари билан таъминланган. Машгулотлар рус ва инглиз тилларида олиб борилади.

• Фарғона вилояти Риштон туманида томчилатиб сугориш технологияси бўйича амалга оширилаётган агротехник тадбирлар ва унинг афзалликлари, бу борада пахтакорларнинг тажриба алмашиши масалаларига бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларидаги сув ва қишлоқ ҳўжалиги мутахассислари, пахта тўқимачилик кластерлари ва фермер ҳўжаликлари раҳбарлари иштирок этди.

• Андижонда Президентимиз томонидан ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмуни ташкил этиш бўйича илгари сурилган беш ташаббусни амалга оширишга бағишланган ҳамда Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилганининг 20 йиллиги муносабати билан қизлар форуми ўтказилди.

ЖАҲОНДА

• Манхеттен марказидаги 52 қаватли осмонўпар бинонинг томига вертолёт кулаб тушди. Натижада вертолётни бошқараётган инсон ҳалок бўлди, томда чиққан ёнғин тезда бартараф этилди. Маълумотларга кўра, вертолётни томга авариявий тарзда қўндиришга ҳаракат қилишган, бунинг сабаби эса ҳозирча номаълум.

• Англия консерватив партияси раҳбарлигига ва мамлакат бош вазири лавозимига ўн нафар номзод даъвогарлик қилмоқда. Даъвогарлар икки киши қолғунига қадар бир неча босқичда саралаб олинади.

• Испаниялик теннисчи Рафаэль Надаль жаҳондаги энг нуфузли тўрт турнирдан бири ҳисобланмиш Франция очик чемпионати мусобақасида ўзининг ўн иккинчи ғалабасига эришди. Шу тариха Надаль жамғармасидаги умумий ғалабалар сони 82 тага етди.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

• Учтепа туманидаги 23-оилавий поликлиникада "Соғлом аёл ойлиги" доирасида аҳоли ўртасида тиббий кўрик ўтказилди.

• Чилонзор туманидаги 15-сон болалар мусиқа ва санъат мактабида ўтказилган концерт дастури "Миллий мусиқада — миллийлигимиз ифори" деб номланди.

• Яқкасарой тумани "Оила" маркази ҳамда туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида "Оила — бахт саройи" мавзuida давра суҳбати ташкил этилди.

• "Ўзэлтехсаноат" уюшмаси томонидан ўтказилган анжуман электротехника саноатини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш масалаларига қаратилди.

ТАШҚИ САВДО АЙЛАНМАСИ ШАКЛЛАНТИРИЛМОҚДА

Миллий матбуот марказида “Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо айланмаси кўрсаткичларининг шакллантирилиши” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда Давлат статистика қўмитаси раҳбарияти, марказий аппарат тармоқ бошқармалари бошликлари, Тошкент вилоят ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари ходимлари, Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари маркази ўқитувчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, ташқи савдо айланмаси — мамлакатнинг муайян даврдаги экспорт ва импорт қийматларининг йиғиндисидир. Ташқи савдо айланмасини ҳисоблашда асосан экспорт ва импорт қилинган товарлар ва хизматлар кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Товарлар экспорти — товарларни уларни қайтариб олиб кириш мажбуриятисиз Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиш бўлса, хизматлар (ишлар) экспорти — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари томонидан норезидентларга, иқтисодий географик жойлашувидан қатъий назар кўрсатилган хизматлардир.

2018 йил якунига кўра республика миқдорида ташқи савдо айланмаси ўтган йилга нисбатан 25,8 фоизга ошиб, 33 430,0 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Бунда, амалга оширилган экспорт ҳажми 13 990,7 млн. АҚШ доллар (ўсиш суръати — 11,4 фоиз) ва импорт ҳажми 19 439,3 млн. АҚШ доллар (ўсиш суръати — 38,7 фоиз)га тенг бўлди.

Шунингдек, ташқи савдо айланмаси кўрсаткичларидан экспорт таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, экспорт товарлари ичида 2018 йил якунларига кўра энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари 65,9 фоизга ўсиб, бошқа экспорт товарлари ичида етакчилик қилганнинг ва аксинча, пахта толаси экспорти эса 53,4 фоизга камайганини кўриш мумкин. Буни эса, пах-

та хом-ашёсини юқори қўшилган қийматга эга бўлган тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспортга йўналтирилиши билан изоҳлаш мумкин.

Хусусан, ўтган йил давомида 1300,3 млн. АҚШ доллари миқдорда тўқимачилик маҳсулотлари экспорти ҳажми амалга оширилди. Бу кўрсаткич 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 14,7 фоизга ўсиб, умумий экспорт ҳажмининг 9,3 фоизини ташкил қилди. Йил бошидан 348 турдан ортқ тўқимачилик маҳсулотлари дунёнинг 57 та давлатига экспорт қилинди.

Импорт таркибига кўра эса, машина ва асбоб ускуналар ўтган йилга нисбатан 65,4 фоизга ўсганини кўрсатиб ўтиш лозим.

Тадбирда ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бошқармаси томонидан ҳар ойнинг якунида ташқи савдо айланмаси, экспорт ва импорт кўрсаткичларига оид маълумотлар қўмитанинг www.stat.uz расмий сайтыда, инфографика роликлари кўринишида “Ўзбекистон 24” телерадиоканали ҳамда Давлат статистика қўмитасининг Facebook ижтимоий тармоғидаги саҳифаси ва Telegram мессенжер (UZSTAT)даги гуруҳи орқали фойдаланувчилар эътиборига ҳавола этиб келинаётгани ҳақида маълумотлар берилди.

Давлат статистика қўмитаси томонидан мунтазам равишда мамлакатнинг етакчи олий ўқув юртида ўтказилаётган семинар ва давра суҳбатларида ташқи савдо айланмасига оид кўрсаткичлар, маълумотлар эълон қилиниб, оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилмоқда.

Тадбир сўнигида Давлат статистика қўмитаси мутахассислари журналистлар томонидан берилган саволларга атрофлича жавоб қайтаришди.

(Ўз муҳбиримиз)

ЎЗБЕКИСТОН – ШҲТ: ХАЛҚАРО МИҚЁСДАГИ ТАШАББУСЛАР РЎЁБИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Сўнгги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган қатор ташаббус ва тақлифлар ШҲТ ролини кучайтириш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Минтақавий аксилтеррор тузилмаси таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилиб, ташкилотнинг глобал ахборот маконида юзага келадиган таҳдидларни мониторинг қилиш ва уларга қарши курашиш тизими бўйича ваколатлари аниқ белгилангани фикримизга мисол.

Бугун дунё терроризм ва экстремизм хавфи билан юзланмоқда. Аксар ҳолларда ёш авлод вакилларининг ушбу таҳдидлар гирдобига қолаётгани унинг хавфини янада ошираётир.

Шу маънода Президентимиз 2017 йил июнь ойда Нур-Султон шаҳрида ўтган саммитда ёш авлодни турли террористик ва радикал тузилмалар фаолиятига жалб этилишига йўл қўймайсиз бўйича аниқ кўшма чора-тадбирларни қабул қилиш, уларнинг маънавий-ахлоқий баркамол авлод бўлиб вояга етишига алоҳида эътибор бериш зарурлигини таъкидлади.

Соф ислом маърифатини кенг ёйиш мақсадида Самарқанд шаҳрида Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти кўмағида ташкил этилган Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ишида ташкилотга аъзо давлатлар диний идораларини иштирок этишга чақирди. Бунинг миллатлараро, маданиятлараро муносабатларни мустаҳкамлашдаги ўрни юқори экани барча иштирокчилар томонидан эътироф этилди.

Ўзбекистон ШҲТга аъзо давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлаш тарафдори. Мамлакатларнинг жаҳон бозорига қисқа йўллар орқали чиқиш имкониятларини кенгайтириш эса бу каби мақсадларни рўёбга чиқаришда алоҳида аҳамиятга эга.

ШҲТ доирасида икки томонлама ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Аммо кўп томонлама ҳамкорлик алоқаларида бундай ўсиш суръати кузатилмайдми. Айни шу жиҳатлар транспорт-логистика имкониятларини бирлаштиришдаги интилишларнинг мутаносиб эмаслигида ҳам яққол намоён бўлади. Шу боис давлатимиз раҳбари саммитда ШҲТ давлатлари темир йўл соҳаси раҳбарларининг мунтазам учрашувларини ташкил қилиш зарурлигини қайд этди. 2018

йилнинг сентябрь ойда эса ушбу форматдаги илк учрашувга Тошкент мезбонлик қилди.

Ҳозирги кунда инсоният уйғун ривожланиш, ўзаро ишончга асосланган ва турли маданиятларни ҳурмат қилиш асосида ривожланадиган дунёни яратишга интилоқда. Зеро, халқлар ва мамлакатлар ўртасидаги ишонч икки ва кўп томонлама муносабатларда ўзаро англашувни қарор топтиришнинг муҳим омили.

Шавкат Мирзиёев 2017 йили Нур-Султон шаҳрида ўтган саммитда Халқ дипломатиясининг мунтазам фаолият олиб боровчи институтларини ташкил этиш тақлифини илгари сурганда ана шундай мақсадларга эришишни кўзда тутган эди.

2018 йил 10 июнь кунини Хитойнинг Циндао шаҳрида ўтган ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг навбатдаги саммитида Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақлифига мувофиқ, ШҲТ давлат раҳбарларининг Ёшларга кўшма мурожаати қабул қилинди.

Тошкент шаҳрида ШҲТнинг Халқ дипломатияси маркази таъсис этилгани, Самарқанд шаҳрида “Ипак йўли” туризм халқаро университети ташкил қилингани мамлакатимизнинг ШҲТ мажлисларида илгари сурган ташаббуслари натижасидир.

Мамлакатимиз тинчлик, ҳамкорлик ва интеграция ғояларига асосланиб юритаётган фаол ташқи сиёсатнинг амалий натижалари унинг жаҳондаги нуфузи ошиб, халқаро ташкилотлар бошқарув тизимидаги ўрни кенгайиб бораётганида ҳам ўз инфодасини топмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директори Владимир Норов 2019 йил 1 январдан ШҲТ Бош қотибалигига таъинлангани бунинг ёрқин далилларидан биридир.

Шу кунларда Бишкекда ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисига қатнаш ҳозирлик қилилмоқда. Учрашув Ўзбекистоннинг хавфсизликни мустаҳкамлаш, савдо, иқтисодиёт, инвестиция, транспорт коммуникациялари, туризм, қишлоқ ҳўжалиги ҳамда минтақалараро ҳамкорлик соҳаларидаги алоқаларни ривожлантириш бўйича ташаббусларини ривожлантиришнинг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш имконини беришига шубҳа йўқ.

Улугбек ШОНАЗАРОВ

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ БАЪЗИ ГЕОГРАФИК ОБЪЕКТЛАРГА НОМ БЕРИШ ВА УЛАРНИНГ НОМЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ ТЎҒРИСИДА

“Географик объектларнинг номлари тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддаси (“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2011 й, 41-сон, 448-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунга мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида”ги 295-сонли (“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2012 й, 41-2-сон, 483-модда) қарори, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2012 йил 24 октябрдаги 845-сонли қарорига мувофиқ, Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича Тошкент шаҳар комиссиясининг ҳулосасига асосан, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича шаҳар комиссиясининг баъзи географик объектларнинг номларини тартибга келтириш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.
2. Ном берилган ва номлари ўзгарган Тошкент шаҳридаги баъзи географик объектлар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.
3. Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (Ф.Расулов), Ободонлаштириш бош бошқармаси (А.Ризашов), Ички ишлар бош бошқармаси (Р.Джуроев), туман ҳокимликлари, ҳокимлик тизимидаги бошқарма, ташкилот ва муассасалар:
 - Баъзи географик объектларга янги номлар берилиши ва номлари ўзгартирилиши муносабати билан тегишли ишларни амалга ошириш юзасидан бир ойлик муддатда белгиланган тартибда зарур чоралар кўрилсин ҳамда ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритилсин.
4. Мазкур қарор “Тошкент оқшоми” ва “Вечерний Ташкент” газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.
5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.
6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Э.Шукуров зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари Т.Матибаев

2019 йил 30 май

“ЎЗАВТОСАНОАТ”: КАДРЛАР ТАНЛАШНИНГ ЯНГИ УСЛУБЛАРИ

Бу ҳақда Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “Ўзавтосаноат” АЖ фаолиятига йирик трансмиллий компаниялар тажрибаларига асосланган энг яхши замонавий услубларни жорий этишга бағишланган матбуот анжуманида сўз юритилди.

Тадбирда “Ўзавтосаноат”, “GM Uzbekistan” акционерлик жамиятлари, Тошкентдаги Турин политехника университети вакиллари ва журналистлар иштирок этди.

“Ўзавтосаноат” АЖ ходимлар билан ишлаш бўйича бошқарма бошлиғи Л.Маматованинг сўзларига кўра, кадрларни тўғри танлаш ва қайта тайёрлаш ҳар бир корхонанинг иқтисодий самарадорлигига сезиларли таъсир кўрсатади. Ҳозирги замон бозор шароитида амалий кадрлар сиёсатисиз улкан натижаларга эришиб бўлмайди. Шак-шубҳасиз, корхонанинг ҳар бир ютуғи ортида ходимларнинг матонатли меҳнати туради.

Бугунги кунда “Ўзавтосаноат” АЖ таркибига 85 тадан ортқ корхона қиради, уларда 27 мингдан ортқ киши меҳнат қилади. Маҳаллий автосаноат 200 дан кўпроқ хорижий корхона ва ташкилот билан фаол ҳамкорлик олиб боради.

Ҳозирги вақтда акционерлик жамиятининг кадрлар сиёсати ўз ривожланишининг янги босқинини ўтмоқда. Аввалги кадрларни танлаш ва тайёрлаш тизими ўрнига ходимларни бошқаришнинг янги услублари ва HR-менеджмент келмоқда. Янги кунларда персонални KPI натижадорлиги кўрсаткичлари асосида баҳолаш тизими жорий этилди. Жумладан, қўйилган баҳолаш ходимларнинг иш ҳақига таъсир этади, бу эса улар учун туртки вазиёсини бажаради. Бир вақтинг ўзида “Ўзавтосаноат” АЖ барча бўлимларида ташкилий тузилмалар таҳлил қилиниб, оптималлаштирилади.

Автосаноат корхоналари учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш мақсадида Тошкент шаҳрида Турин политехника университети ташкил қилинди. Университет очилганига ўн йил бўлган бўлса, шу вақт мобайнида унинг негизида “Ўзавтосаноат” ва “GM Uzbekistan” акционерлик жамиятлари томонидан 20 дан ортқ лойиҳа амалга оширилди.

Янги ўқув йилидан бошлаб бу ерда ўқинишнинг янги йўналиши – “Автомобиль санаети” очилади. Ўқиш “Ўзавтосаноат” ва “GM Uzbekistan” билан ҳамкорликда тайёрланган дастур бўйича олиб борилади. Шунингдек, машинасозлик соҳасида фанни ривожлантириш мақсадида жорий йилнинг май ойда Италияда Турин политехника университети ва Тошкент шаҳрида Турин политехника университети ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди, унга кўра Polito Double degree PhD кўшма докторантура очилди. Докторантура тугатган битирувчилар бирданига икки университет илмий даражасини олишади.

Матбуот анжуманида “Ўзавтосаноат” АЖ ходимлари журналистларнинг барча саволига жавоб берди.

Роман БОНДАРЧУК

ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ БЎЙИЧА ҲИСОБОТЛАРНИ ТОПШИРИШ ТАОМИЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 70-моддасига мувофиқ, солиқ тўловчи томонидан белгиланган тартибда тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисоботини, шунингдек, солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисида давлат солиқ хизмати органидаги мавжуд бошқа ҳужжатларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш асосида камерал назоратдан ўтказилади.

Камерал назоратдан ўтказиш жараёнида қуйидаги ишлар амалга оширилади. Солиқ солиш оборотлари тўғри ҳисобланганлигини текшириш мақсадида ташқи маънода маълумотлари асосида, яъни тушумни аниқлаш, бошқа солиқ тўловчилар томонидан тақдим этилган ҚҚС ҳисоботида харид қилинган товарлар, ишлар, хизматлар бўйича ҳисобварақ-фактуралар реестри асосида ўрганиш ўтказилаётган корхона томонидан етказиб берилган товарлар қиймати ва кўрсатилган ҚҚС суммасини аниқлаш, импорт қилинган товарлар савдоси билан шуғулланувчи корхоналарда импорт қилинган товарларнинг божхона расмийлаштируви жараёнида ҚҚС ҳисоблаш учун қабул қилинган қиймати ва ушбу товарларни реализация қилиш қиймати ўртасида фарқ мав-

жудлигини ҳамда ҳисоботда акс эттирилганлигини ўрганиш зарур бўлади.

Масалан, умумий овқатланиш ёки чакана савдо фаолиятини амалга ошираётган тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилган қўшилган қиймат солиғи ҳисоботида акс эттирилган-товарларни реализация қилишдан соф тушум, ташқи маъно маълумотлари асосида ҳўжалик юритувчи субъектнинг банкдаги ҳисоб рақамларига нақд ва терминал орқали келиб тушган маблағларни солиштириш орқали таҳлил қилинади.

Бундан ташқари, ҳисобга олинган ҚҚС суммасининг асослигини текшириш мақсадида қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтилган санадаги қолдиқ

товарлар бўйича ҳисобга олинаётган ҚҚС суммаси, ҳақиқатан қолдиқ товар моддий бойликлар ҚҚС билан харид қилинганлигини ўрганиш, харид қилинган товарлар, ишлар, хизматлар ҳақиқатда қўшилган қиймат солиғи тўловчиларидан сотиб олинганлигини аниқлаш, бошқа солиқ тўловчилар томонидан тақдим этилган ҚҚС ҳисоботида реализация қилинган товарлар бўйича ҳисобварақ-фактуралар реестри асосида ўрганиш ўтказилаётган корхона томонидан харид қилинган товарлар қиймати ва кўрсатилган ҚҚС суммасини аниқлаш, товарлар импорти бўйича ҳисобга олинган ҚҚС суммасини ҳақиқатда божхона органларига тўланганлигини ўрганиш, асосий воситалар бўйича ҳисобга олинган ҚҚС суммасининг асослигини ҳамда Солиқ кодексининг 218-моддаси талабларига мувофиқ ҚҚС суммаси тўғри ҳисобга олиниши ва ҳисоботларда тўғри акс эттирилганлигини ўрганиш зарур бўлади.

Масалан, ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан 2019 йилда харид қилинган асосий воситалар бўйича қўшилган қиймат солиғи суммасини 12 ой давомида тенг улушларда ҳисобга олишларини, шунингдек, 2019 йилнинг 1 январига қадар ҚҚС билан сотиб олинган асосий воситалар бўйича ҚҚС суммаси ҳисобга олинмаганлиги текширилади.

Шерзод НУРХОДЖАЕВ, Миробод туман ДСИ “Камерал назорат” бўлими бошлиғи

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ТУРИСТИК САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАСИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Пойтахт ҳокимлигида Анталианинг молиявий консультантлар ва бухгалтерлар уюшмаси раиси ва бошқаруви аъзоси Содик Бадак иштирокида учрашув бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокими Жаҳонгир Ортиқхўжаев ўзқўйилган буён молия соҳасида фаолият юритиб, ўз ҳудудининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига муҳим ҳисса қўшаётган юқори малакали мутахассис билан учрашгани ҳамда пойтахтнинг истикболи борасида фикр алмашаётганлигидан хурсандлигини билдирди.

Тошкент янгиланиш марказида эканлиги, шаҳримизда аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш қатори санъатни ривожлантириш, туризм салоҳиятини ўстириш муҳимлиги қайд этилди.

Ўз навбатида меҳмон ривожланаётган ҳар давлат ва шаҳар олдида бундай долзарб вазифалар бўлишини таъкидлаб, бу борада Туркия тажрибаси ҳақида маълумот берди.

ЎЗГИ ТАЪТИЛ УНУТИЛМАС ТААССУРЛАРГА БОЙ БЎЛСИН

Барча мактаб ўқувчилари учун узоқ қўтилган ёзги таътил кизгин давом этмоқда. Баъзилар учун таътил саёхат, ёзги оромгоҳларда дам олиш, қўшни шаҳарларга, қариндошлариникига бориш, дала ҳовлида буви ва боболар билан хордиқ чиқариш вақти бўлса, қимлар учундир “кундалик уй юмушлари” билан банд бўлиш онлари ҳисобланади. Бунда ота-оналар учун муҳим масалалардан бири — бу ёзда фарзандларини нима билан машғул қилиш десак хато бўлмас.

Ота-оналарнинг хотиржамлигини таъминлаш ва болаларнинг самарали дам олишларини таъминлаш мақсадида 3 июндан бошлаб Тошкентдаги умумтаълим мактабларда ёзги дам олиш масканлари ташкил этилди. 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўқувчилар соат 08:00 дан 12:00 гача ўзлари учун қизикarli тўғарақлар танақлашлари ва ёзги таътилларини сезимли машғулотлари билан шуғулланиб, фойдали ва мароқли ўтказишлари мумкин. Рақс, инглиз тили, гимнастика, шахмат, шашка, теннис, чизмачилик, ҳунармандчилик, қўғирчоқ театри, йўл ҳаракати хавфсизлиги дарслари, китоб ўқиш

КОММУНАЛ ХЎЖАЛИККА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЖОРИЙ ҚИЛИНМОҚДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Финляндиянинг “Уропог” компанияси директори Яри Мюллари Шрайнер ва компаниянинг МДХ ва РФдаги вакили иштирокида учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда Тошкент шаҳридаги иссиқлик таъминоти тизимида амалга оширилаётган модернизация тадбирлари ва унда хорижий ҳамкорларнинг иштироки масаласи муҳокама этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Даврон Ҳидояттов аввало пойтахтимиз иклимига тўхталиб ўтди ва коммуникация тизими ушбу шароитга мос ҳолда йўлга қўйилганини қайд этди. Шунингдек, тизимда янгиланишлар олиб борилаётгани ва бунда замонавий техника ва технологиялар таъминотига алоҳида эътибор қаратилаётганини маълум қилди.

Яри Мюллари Шрайнер эса уларнинг компанияси иситиш, совутиш ва сув таъминоти тизими учун замонавий ечимлар тайёрлашини, дунёнинг 17 та давлатида заводлари борлиги ва 30 дан ортқ мамлакат билан ҳамкорликда ишлаётганлигини айтиб ўтди. Шунингдек, уларнинг коммунал соҳага мўлжалланган техника ва технологиялари ўзига хос услубда тайёрлангани, ишлаш тизимига эгаллигига эътибор қаратиб, Ўзбекистон пойтахтининг коммунал хўжалиги тармоқларида уларни қўллашни тақлиф этди.

Учрашув давомида томонлар ўзаро ҳамкорликка оид масалаларни қўриб чиқишди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида “Божхона органларида жорий этилган ахборот-коммуникация технологиялари ва интерактив хизматларнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятидаги аҳамияти” мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

Унда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда тадбиркорлик субъектлари вакиллари қатнашди. Йилгиланларга Давлат божхона қўмитаси расисининг биринчи ўринбосари Анвар Асамов ушбу йўналишда амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифалар тўғрисида маълумот берди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизнинг жадал тараққиётини таъминлаш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, иқтисодийни либераллаштириш ва диверсификациялаш доирасида тадбиркорлик субъектлари учун кенг эркинликлар яратиш ва ташқи савдо операцияларини энгиллаштириш масалаларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш билан бевосита боғлиқ.

Шу боисдан ҳам давлат божхона хизмати органлари фаолиятига идоралараро ахборот-тизимлари ва интерактив хизматларни жорий этиш энг муҳим масалалар сирасига киради.

Жумладан, бугунги кунда тадбиркорлар учун экспорт-импорт операцияларида талаб этилаётган ҳужжатлар, божхона назорати ва расмийлаштирув учун сарфланган вақт ҳамда тадбиркорлар маблағларини тежаш мақсадида божхона органлари билан боғлиқ жараёнлар тўлиқ электрон шаклга ўтказилди. Бунинг учун юк божхона чегарасига кириб келишидан токи божхона расмийлаштируви тугаллангунга қадар жараёни ўз ичига қамраб олган 51 та автоматлаштирилган ахборот тизимлари ва 14 та электрон интерактив хизматлар амалиётга жорий этилган.

Давлат божхона қўмитаси томонидан амалиётга жорий этилган интерактив хизматлар тадбиркорларга бир қанча қулайликлар тақдим этади ва асосан вақтини тежаш, қоғоз ҳаражатларини камайтириш, божхона органларига бормасдан ўз иш жойларидан Интернет орқали керакли маълумотларни олиш ҳамда расмийлаштириш имконини беради.

Интерактив хизматлар ва ДБК веб-сайтида яратилган қулайликлардан фойдаланиш мутлақо бепул бўлиб, кечроқ кундуз ихтиёрий вақтда фойдаланишга мўлжалланган. Хозирда веб-сайт орқали ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун фойдали бўлган бир қатор ахборотларни тақдим этиш йўлга қўйилди.

Масалан, эндиликда ҳар ойда рес-

публикамининг чегара божхона постлари орқали ҳаракатланган автотранспорт воситаларининг божхона расмийлаштирувига сарфланган ўртача вақти таҳлили божхона постлари ва автотранспорт турлари (енгил ва юк автотранспорт воситалари, автобуслар) кесимида эълон қилиб борилмоқда.

2019 йил апрель ойи таҳлилларига кўра, республикамизнинг чегара-божхона постлари орқали умумий ҳисобда 120 минг 564 та автотранспорт воситалари ҳаракатланган бўлиб, уларнинг божхона расмийлаштируви учун ўртача 23 дақиқа 39 сония сарфланган.

ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТЛАР КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Бундан ташқари, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари томонидан товар ва транспорт воситаларининг экспорти ва импортида божхона расмийлаштируви учун сарфланган ўртача вақт ҳақида божхона постлари кесимида ҳам ҳар ойда маълумотлар эълон қилиб келинмоқда.

Масалан, 2019 йил апрель ойи якунларига кўра, товарларни “экспорт” божхона режимига расмийлаштириш учун сарфланган вақт бўйича республикамиздаги 53 та ташқи иқтисодий фаолият (ТИФ) божхона постлари орасида Самарқанд вилояти божхона бошқармаси “Самарқанд” ТИФ божхона пости етакчилик қилмоқда. Бу ерда экспорт божхона юк декларацияларини расмийлаштириш учун ўртача 17 дақиқа 47 сония сарфланган.

Товарларни “импорт” божхона режимига расмийлаштириш учун сарфланган вақт бўйича Тошкент вилояти божхона бошқармаси “Бекобод” ТИФ божхона пости етакчилик қилмоқда. Бу ерда импорт божхона юк декларацияларини расмийлаштириш учун ўртача 50 дақиқа 24 сония сарфланган.

Тадбиркорлик субъектларига мева-сабзавот маҳсулотларининг экспортини амалга оширишда қулайликлар яратиш мақсадида 2019 йил 10 майдан бошлаб, Ўзбекистондан экспорт қилинган

мева-сабзавот маҳсулотлари тўғрисида ДБК расмий веб-сайти орқали интерактив маълумотлар тақдим этиш йўлга қўйилди.

Матбуот анжуманида маълум қилинишича, Давлат божхона қўмитаси томонидан келгусида “Ягона дарча”, “Ваколатли иқтисодий операторлар реестри”, “Интеллектуал мулк объектларининг божхона реестри” каби 10 дан ортқ ахборот тизимлари ҳамда “Божхона тўловлари бўйича солиштирув далолатномалари” интерактив хизматининг мобил талқини, автотранспорт воситаларини давлат чегараси орқали ўтишда навбат-

ларни бошқариш электрон тизимини жорий этиш устида ишлар олиб борилмоқда.

Тадбирда журналистларга давлат божхона хизмати органларини жаҳон амалиётида кенг қўлланилаётган божхона назоратининг замонавий техника воситалари билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида ҳам батафсил маълумотлар берилди.

Хозирда республикамиздаги чегара ва темир йўл божхона постлари орқали ҳаракатланаётган автотранспорт воситалари ҳамда темир йўл составларини божхона назоратидан ўтказиш вақтини қисқартириш мақсадида республикамиз божхона постлари босқичма-босқич инспекцион кўрик мажмуалари билан таъминлаб келинмоқда ва бугунги кунда 17 та божхона постлари 19 комплект инспекцион кўрик мажмуалари билан таъминланган.

Биргина 2019 йилда “Бекобод”, “Саориосиё” ҳамда “Хўжадават” темир йўл чегара божхона постларига худди шундай инспекцион кўрик мажмуалари ўрнатилди. Ушбу мажмуалар 4-5 соат давом этадиган божхона кўригини 3-4 дақиқада амалга ошириш имконини бериш билан бирга контрабанда ашёлари ҳамда товарларни ноқонуний ҳаракатида чек қўйишга ҳам хизмат қилади.

Хусусан, 2019 йилнинг 4 ой давомида ушбу техник воситалар кўмағида 21 та божхона қоидабузилиш ҳолатлари аниқланиб, ноқонуний олиб ўтилаётган салкам 2,2 млрд. сўмлик товар-моддий бойликлар тўхтатиб қолинди.

Божхона постларида фуқароларнинг қўл-юкларини қисқа муддатларда назоратдан ўтказиш учун 2019 йилда 39 донга янги замонавий рентген аппаратлари ўрнатилиб, уларнинг умумий сони 219 тага етди. Шунингдек, оммавий қирғин қуроллари ва радиоактив моддалар республикамизга киришининг олдини олиш мақсадида 127 комплект радиация портал мониторлари ишлаб турибди.

Чегара божхона постларидаги тир-бандликлар, постлар фаолиятини реал вақт оралмида таҳлил қилиш мақсадида Давлат божхона қўмитасида видеокузатув мониторинг маркази ишга туширилиб, унга 115 та божхона объектларидаги 1746 донга кузатув камералари уланган.

Шунингдек, республиканинг жами 340 та божхона омборларидан 207 тасида мавжуд 1372 донга кузатув камераларини ДБК марказий аппаратура уланishi таъминланди. Натижда кунлик навбатчилар томонидан республика миқёсидаги барча божхона постлари ва бошқармалари фаолияти кузатиб борилиб, амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Хозирда И.Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида йўловчиларни божхона назоратидан қисқа фурсатда ва самарали тарзда ўтказиш мақсадида инсон танасини сканер қилувчи қурилмалар ўрнатилиб, синовдан ўтказилмоқда. Беларуссиядан келтирилган мазкур техника воситалари ўрнатилгандан сўн 1 ҳафта муддат ичидаёқ 6 та божхона қонунбузарлик ҳолати аниқланиб, 377 млн. сўм қийматдаги товар-моддий бойликларнинг ноқонуний олиб ўтилиши олди олинганлиги мазкур лойиҳанинг истиқболли эканлигини кўрсатмоқда.

Айни пайтда Тошкент вилояти божхона бошқармасининг “Фишткўрик” чегара-божхона постида “Автотранспорт воситалари давлат рақамларини аниқлаш” тизими вақтинчалик синовдан ўтказилмоқда. Мазкур тизим автотранспорт воситаларининг чегара божхона постидан ўтиш вақтини назорат қилиш ва беҳуда ушланиб қолишининг олдини олишга хизмат қилиб, унинг самардорлиги ўртача 95,6 фоизни ташкил этмоқда.

Тадбир давомида журналистлар мавзу юзасидан ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоблар олишди.

Зарина РУСТАМОВА

“101” ХУШЁРЛИК — ХОТИРЖАМЛИК ГАРОВИ

Одатда ёнғинларнинг асосий қисми аҳоли турар жойларида содир бўлади. Шунинг учун ҳам ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг эътибори кўпроқ фуқаролар ўртасида ёнғин хавфсизлиги бўйича профилактик ишларни кучайтиришга қаратилган.

Афсуски шунга қарамай, пойтахтимизда турли сабабларга кўра ёнғинлар содир бўлмоқда. Уларда инсонлар тан жароҳати олгани ёки ҳалок бўлганини эшитиш, ачинарли кетди киши. Демак, ҳамма гап ёнғин хавфсизлиги қоидаларини билиш ва уларга амал қилишда.

Достон АХМАДЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат уйи
биносини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ кичик инспектори, сафдор

Болаларни қаровсиз қолдириш, газ ва электр асбобларидан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик ёнғинлар юз беришига сабаб бўлмоқда.

Ачинарлиси қуйиш тан жароҳати олганларнинг асосий қисмини ўсимирлар ташкил этади. Шундай экан бундай ҳолларга тушиб қолмаслик учун фуқароларимиз ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишлари, аланга чиқиши эҳтимоли бўлган нарсаларни доимо эътиборда тутишлари керак. Ана шунда биз ёнғиннинг олдини олган бўламиз.

Дилшод БОЛЕГОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенат
биносини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ инспектори, катта сержант

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда аҳоли ўртасида “тилсиз ёв”нинг олдини олиш бўйича ўрашувлар ўтказиб келмоқда.

Амалга оширилаётган тадбирлардан қўзланган мақсад аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашни кучайтиришдан иборатдир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, “тилсиз ёв” билан курашиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг иши эмас. Бу ҳар бир фуқаронинг бурчидир. “Ўз уйингни ўзинг асра” деган шior барча фуқаро, oilалар, корхона ва ташкилотга тааллуқли эканлигини унутмаслик лозим.

Ақбар ЗОИРКУЛОВ,
ЁХБ инспектори, лейтенант

Ёнғин бир неча сонияда мол-мулк ва яқинлардан ажратадиган бир офатдир.

Агар биз қундалик турмушимизда содир бўлаётган ёнғинларни таҳлил қилсақ, ақсарият ҳолларда бундай офатлар ўзимизнинг бепарволигимиз, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслигимиз, ёш болаларга эътибор бермаслигимиз, уларни ёлғиз қолдириб кетиш оқибатларида юзага келаётганлигини кўрсатади.

Шундай экан, белгиланган қоидаларга амал қилишни унутманг!
Зоир АҚБАРОВ,
ЁХБ катта инспектори, майор

Биланмики ёнғин хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, албатта моддий зарар қўрилади. Сизнинг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишингиз тинч-осуда яшашингиз учун тўла асос бўлмайди.

Доимий равишда ён-атрофингиздагиларни ҳам хушёрликка қақиршингиз нур устига аэло нур. Лекин орамизда шундай инсонлар борки, эҳтиёткорликни унутиб қўйишмоқда. Бу ҳаракатлари билан кўпчиликни азият чекишига сабаб бўлишмоқда. Демак ҳар бир ишни қилишдан олдин унинг эҳтиёт чораларини кўриб даркор. Эҳтиётсизлик оқибатида умримизни барбод айлаб, молу давлатимизни қўққа совирилишига йўл қўймайлик.

Аваз САЙДАХМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар
вазирлиги Тошкент шаҳар Ёнғин хавфсизлиги
бошқармаси 25-ЎХБК бошлиғи, майор

Ҳар бир кунимиз тинч-осойишта, талафотсиз ўтиши учун доимо ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишимиз керак. Бунга фуқароларимиз ҳам эсдан чиқармаслиги лозим.

Ҳаётимиз турли ҳодисаларга тўла, жумладан, ноҳуш ҳолатларга ҳам. Агар қундалик ёнғинларни кўриб чиқадиган бўлсақ, барчаси ўзимизнинг бепарволигимиз оқибатида юз берган бўлса-да, биз айбдорларни қидирамиз. Мисол учун, қозонда ёғ қилиб кетиб, ошонгага пуртур етса, албатта “газ идораси” айбдор. Чунки уй эгалари “газимиз паст эди, бирданга балан бўлиб кетибди. Шунинг учун ёғимиз ёниб кетди”, деган хулоса чиқарадилар. Ваҳоланки, газ плитасида нафақат ёғ, балки чойга қўйилган сув ҳам назоратсиз қолмаслигини уй эгалари тушунишлари керак.

Қамолитдин БОЙНАЗАРОВ,
Ўзбекистон халқаро анжуманлар саройи ЁХБ
инспектори, катта сержант
Аъзам ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Тошкент шаҳар ЁХБ АКТ ва АМ алоқа устаси,
сафдор

Миробод тумани ЁХБ ходимлари аҳоли турар жойларида талабларга жавоб бермайдиган мосламалардан фойдаланиш ҳолатлари аниқланганда далолатномалар тузиб, тегишли чоралар кўришмоқда. Аммо айрим фуқаролар мутахассислар томонидан оғоҳликка қақирлаётганига бепарво бўлишяпти. Натижда кўнглисиз ҳолатлар руй бермоқда.

Масалан Чамбил 4-тор қўчасидаги хонадонлардан биринида яшовчи фуқаро Т.Ф. уйига маст ҳолда келади ва юмшоқ ўрнига ётиб ухлаб қолади. Соат 11:42 ларда унинг хонадонидан чиқётган тўтун қўшинларни оёққа тургазди. Ут ўчирувчилар етиб келганида шу ердаги яшовчи аҳоли томонидан ёнғин ўчирилган ва ёнғин жойидан уй эгасининг жасади аниқланган. Текширув давомида ёнғин носоз электр иситиш пенидан фойдаланиш натижасида содир бўлганлиги аниқланди.

Мўзроб ТУРСУНОВ,
Миробод тумани ЁХБ инспектори, катта сержант

Кўп ҳолларда ёнғинларнинг юз беришига ўзимиз сабабчи бўлиб қоламиз. Мана шу бепарволигимиз оқибатида эса қўлаб ноҳушлиқлар келиб чиқади.

Шу ўринда ёнғиннинг моҳиятига назар солмоқчимиз. Ҳўш ёнғин ўзи нима? Ёнғин — инсонлар ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи, моддий бойликларни йўқ қилиб ташлашни билан бирга кечувчи, назоратдан чиқиб кетган ёниш жараёнидир.

Қўришиб турибдики, халқ мулкни “тилсиз ёв”дан муҳофаза қилиш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш муҳим омилдир. Бу ишда нафақат ушбу соҳа ходимлари, балки ҳар бир фуқаро фаол иштирок этиши мақсадга мувофиқ.

Эрмахан ТУРСИНБАЕВ,
Юнусобод тумани ЁХБ инспектори,
катта сержант

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 132-сонли қарори асосида Учтепа туманидаги умумтаълим мактаблари ва касб-хунар коллежларида соғлом овқатланишни ташкил этиш мақсадида ошхоналарни ижарага бериш бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Танлов 2019 йил 12 июль куни соат 10:00 да Учтепа тумани ҳокимияти кичик залида ўтказилади.

Туман ҳокимияти манзили: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фарҳод кўчаси, 21-уй.

Тендерда иштирок этиш учун аризалар 2019 йил 11 июль соат 18:00га қадар туман Халқ таълими бўлимида қабул қилинади.

Туман Халқ таълими бўлими манзили: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Чилонзор 14-мавзе. Мурожаат учун телефон: 275-96-47.

E-mail: uchtepa.txtb@xtv.uz

Web-site: uchtepa.txtb.uzedu.uz

ПУДРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Олмалиқ филиали банк биносини 1) видеокузатув тизимини алмаштириш ишлари; 2) қўриқлаш ва ёнғиндан хабар бериш воситаларини ўрнатиш ишлари; фавқулодда вазиятлар вақтида оғоҳ этиш тизимини ўрнатиш; 3) Эркин бошқарув тизими назорати (СКУД) ишларини бажариш учун махсус лицензияга эга ташкилотлар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Олмалиқ шаҳри, Амир Темури кўчаси, 28-уй.

Телефон, факс: (70) 615-10-89, (94) 401-77-11.

Нархлари фоизда кўрсатилган тижорат тақлифлари алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда, эълон чиққан санадан бошлаб 7 кун муддат ичида қабул қилинади.

ПУДРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Олмалиқ филиали банк биносини мукаммал таъмирлаш ишларини бажариш учун махсус лицензияга эга ташкилотлар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Олмалиқ шаҳри, Амир Темури кўчаси, 28-уй.

Телефон, факс: (70) 615-10-89, (94) 401-77-11.

Нархлари фоизда кўрсатилган тижорат тақлифлари алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда, эълон чиққан санадан бошлаб 7 кун муддат ичида қабул қилинади.

“DEKORATIV STROY” МЧЖга (СТИР 306458216) тегишли бўлган думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

МАГИСТРАЛ ГАЗ ҚУВУРЛАРИНИНГ МУҲОФАЗА ЗОНАСИДА ХАВФСИЗЛИК ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

“Ўзтрансгаз” акциядорлик компанияси Тошкент Магистрал газ қувурлари бошқармаси огоҳлантиради

Тошкент ва Сирдарё вилоятлари ҳудудида шаҳарлар, аҳоли ва саноат корхоналарини табиий газ билан таъминловчи юқори босимли магистрал газ қувурлари ўтганлигини эслатиб ўтади.

Магистрал газ қувурларининг хавфсиз ишлашини таъминлаш ва қувурларнинг шикастланишига (қувурларнинг қандай ўтказилишидан қатъий назар) йўл қўймаслик учун “Магистрал қувурларни химоя қиладиган”га ва Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 69-моддасига асосан **муҳофаза зонаси** ўрнатилган. Бунда:

- қувур трассаси бўйлаб қурилиш ишлари учун хавфсизлик ер участкаси кўринишида, қувурлар диаметрига мос ҳолда қувур ўқининг ҳар икки томонига **100 метрдан 350 метргача** масофада шартли чизиклар билан чегараланган бўлади;
- қишлоқ хўжалиги ишларини олиб бориш учун таалуқли ерларда химоя майдони қувур ўқининг ҳар икки томонига **25 метр** масофада ўтадиган бўлиб, шартли чизиклар билан чегараланлади;
- компрессор ва газ тақсимлаш станция иншоотлари чегараларида ҳар томонга **100 метр** масофада шартли чизиклар билан чегараланган ер участкаси кўринишида бўлади.

Қувурларнинг муҳофаза зонасига кирувчи ер участкаларни ердан фойдаланувчилардан олиб қўйилмайди ва улардан “Магистрал газ қувурларини муҳофаза қилиш” қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда қишлоқ хўжалиги ёки бошқа турдаги ишлар олиб бориш учун фойдаланилади.

Қувурларнинг муҳофаза зонасида қишлоқ хўжалиги ишлари, экиш ва йиғиш компанияси бошланғич олдидан Тошкент МГКБга олдидан маълум қилган ҳолда олиб борилиши лозим.

Қувурларнинг муҳофаза зонасида қувурлардан бир меъёрда фойдаланишга халақит берувчи ёки уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишлар ТАҚИҚЛАНДИ, жумладан:

- ҳар қандай қурилиш ишларини олиб бориш ва иншоотларни тиклаш;
- ҳар хил турдаги дархат ва бута ўсимликларини экиш, ем-хашак, озуқа, ўғит ва материалларни тўплаш, пичан гамлаш, от боғлайдиган қозикларни жойлаштириш, чорвани сақлаш, балиқ етиштириш учун участкаларни ажратиш, балиқ ҳамда бошқа сувда ўсувчи ва юрувчи ҳайвонларни етиштириш, жониворлар сув ичидида сувлоқларни қуриш, музни ёриш ва тайёрлаш ишларини амалга ошириш;
- қувур трассаси устидан ўтиш ва кесиб ўтиш иншоотларини қуриш, трактор ва механизмлар учун жойларни қуриш, жамоа боғлари ва полизларни жойлаштириш;
- турли хил қурилиш, монтаж, портлатиш ва тоғ ишларини амалга ошириш, тупроқни (грунтни) режалаштириш;
- ернинг мелиорацияси ишларини амалга ошириш, суғориш ва қуриш тармоқларини қуриш;

– НУК ва назорат ўлчов пунктлари, сигнал берувчи ва огоҳлантирувчи белгиларни бузиш, жойларни ўзгартириш;

– катод химояси станцияси, алоқа воситалари, қувур энергия таъминоти ва телемеханикасини ёки ишчи ва ўчириш;

– турли хил ахлат тўпламларини пайдо қилиш, ишқорлар, тузалар ва кислота эритмаларини тўкиш;

– қувурларни бузилишлардан сақлаш ҳамда ён-атрофни ва яқин жойлашган ҳудудни, транспортровка қилинадиган маҳсулотни авария натижасида тўкилишдан сақловчи, ер остки ва сувни ўтказувчи иншоотларни, қирғоқларни мустаҳкам тутувчи қурилмаларни бузиш;

– олов ёки шунга ўхшаш очиқ ёки ёпиқ олов манбаларни уюштириш.

Ўз хавфсизлигингизга оғоҳ бўлинг!

Магистрал қувурларнинг химоя қоидаларининг бузилишига айбдор бўлган мансабдор шахслар ва фуқаролар, Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги Кодексининг “Магистрал қувурлар химояси қоидаларини бузиш” ҳақидаги 150-моддасига асосан жавобгарликка тортиладилар.

Магистрал газ қувурларидан фойдаланувчи корхона ва ташкилотлар манзиллари:

* “



Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида "Мумтоз наволар" туркумидаги мақом санъати ижодкорлари ва мутахассислари иштирокида ижодий учрашув бўлиб ўтди.

МУМТОЗ НАВОЛАР

Унда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Ўзбек Миллий мақом санъати Марказининг бош директори, профессор Сойибжон Бегматов, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Рустам Абдуллаев сўзга чиқиб, Президентимиз раҳнамолигида мақом санъати берилмаган юксак эътибор, мазкур соҳани нуфузига ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар бугунги кунда муҳим аҳамият касб этаётганлигини таъкидлади.

Мақом аждодларимиз қўйлаган, авлодларнинг қон-қонига, руҳу жонига сингиб кетган маданиятимиз бўлагидир, — дейди мазкур боғнинг бадиий раҳбари Азамат Хамраев. — Ушбу тадбирнинг ўтказилиши

эса, аҳолини етук санъаткорлар ижоди билан яқиндан таништириш, ёшларнинг ижодий фаолиятини юксалтириш, халқ кўшиклари, миллий рақс ва ўзбек бастакорлари ижодини кенг тарғиб қилиш, эл севган санъаткорларнинг ижоди, юксак маҳорати намуналари ижроларидан мухлисларни баҳраманд этиш ҳамда боғга ташриф буюрувчиларнинг маданий дам олишларини таъминлаш мақсадида уюштирилди.

Тадбир доирасида "Шарқ тараоналари" халқаро мусиқий фестивалининг Гран-при соҳибаси, Ўзбекистон ва Тожикистон халқ артисти Матлуба Дадабоева, Ўзбекистон халқ хофиси Абдунаби Иброҳимов, "Нихол" давлат мукофоти соврин-

дори Мўминжон Садриддинов ижросида янграган дилрабо куй-қўшилар барчага бирдай манзур бўлди.

Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамбли хонандаси Қувончбек Дўстмуродов ва унинг созандалари иштирокидаги дил изҳорлари тараннум этилган дилбар наволар эса мусиқа шинавандаларининг олқишларига сазовор бўлди.

Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида деярли ҳар кун ҳамшаҳарларимизни мазмунли дам олиши учун боғ раҳбарияти ташаббуси билан кўнгилочар шоулар, концерт дастурлари, турли спорт мусобақалари мунтазам равишда уюштирилиб борилмоқда.

Бу ҳақда боғ раҳбари Сардор Султонов шундай дейди:

— Ҳа, ҳар қандай маданий дастур ва мусиқий ижроларнинг замирида инсонларнинг маънавий юксалиши, маданий ҳордиқ чиқариши, руҳияти ва онгу шуурига бир лаҳза, бир нафас бўлса ҳам ором, сокинлик ва энг асосийси гўзал туйғулар жамланмасини тортқ қилинади. Инчинун, мусиқа, кўшиқ ва рақслар гулдастаси халқимизнинг ҳаётига, яшаш тарзига ранго-ранг бир гўзалликни, кўзга кўринмас илоҳий бир тетикликни бахш этади. Боғимизга ташриф буюрган ҳар бир инсон шунчаки дам олишинимас, балки маънавияти юксалиб, тафаккури кенгайишини ва энг асосийси кўнгли ҳаловат топишини, қалби қувончга тўлишини ис- таймиз...

Гулчеҳра ДҮРДИЕВА СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Respublika mulk markazi" МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Муниципал активларни бошқариш маркази" ДУК-га тегишли, Тошкент шаҳрининг Шароф Рашидов ва Буюк Турон кўчалари ораллигида кўчасига жойлаштирилган енгил турдаги замонавий кўчар павильонларни (жами 7 та павильон) ижарага олиш ҳуқуқи қўйилмоқда.

Ҳар бир павильонни ижара олиш ҳуқуқининг бошлангич баҳоси — 8 000 000 сўм.

Ҳар бир павильонга бўлган ижара ҳуқуқи шартномаси 5 йил муддатга, шунингдек, павильонни ҳар йиллик ижарага бериш уч томонлама ижара шартномаси ҳамда эксплуатация шартномаси тузилади.

Аукцион савдосига 2019 йил 9 июль кuni соат 15:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2019 йил 5 июль кuni соат 18:00 гача. Юқоридаги кўчар павильонлар 2019 йил 9 июль кuni сотилмаган тақдирда такрорий савдоси 2019 йил 24 июль кuni соат 15:00 да. Такрорий савдоларга аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2019 йил 22 июль кuni соат 18:00 гача.

Савдо голиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан ижарага олиш ҳуқуқи шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошлангич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "RMM" МЧЖнинг ХАТБ "Давр банк" Олмасор филиалидаги куйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: Х/р: 22604000200571452001. МФО: 01121. СТИР: 200933850. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмасор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Телефон: 228-79-52.

Гувоҳнома № 001805



РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳрида 2019-2020 йилларда иситиш мавсумига сифатли тайёргарлик кўриш мақсадида: — 2019 йилнинг 25 июнидан 9 августгача иссиқ сув бўйича иссиқлик истеъмолчиларини чегараламаган ҳолда, иссиқлик тармоқларининг механик чидамчилиги ва пишиқлиги (юқори босимда) синовдан ўтказилади.

Иссиқлик маъбаларининг амал қилиш зоналарининг манзилли рўйхати:

1-ИМ (М-1,4)

27 июнь ва 22 июль — босим билан текшириш (опресовка) — Мустақиллик шох кўчаси, Мирзо Улуғбек, Буюк Ипак йўли, Қори Нибёзий, Мухаммад Юсуф, Сайрам, Тамарахоним, Оққўрғон, Оққўрғон 1-тор кўчаси, Осий, Лев Толстой, Навихол, Навихол 3-кўчаси, Иброҳим Мўминов, Кичик ҳалқа йўли, Катта ҳалқа йўли, Наманган, Зарбулок, Қирқийғит, Овозлик, Дўрмон йўли, Шахрибод, Зиёлла, Мирзақалон Исмоилий, Боғишамол, Паркент, Каландар, Ясси, Бўз, Сайрам 5-тор кўчаси, Сайрам 7-тор кўчаси, Чуст, Катта Дархон, Катта Дархон 2-тор кўчаси, Геология, Нибёзбек йўли кўчалари, Тамарахоним тор кўчаси, Тошқилқоқ, Мавлоно Риёзий, Ялонғоч, Бўз-1 даҳалари, ТошРЭС шахарчаси, Хамид Олимжон майдони, Тошкент давлат аграр университети ҳудуди.

2-ИМ

25 июнь ва 18 июль — босим билан текшириш (опресовка) — Мирзо Улуғбек, Темур Малик, Авайхон, Мингбулок, Феруза, Миришкор, Шукур Бурҳон, Раззоқ Хамраев, Салом, Дўрмон йўли кўчалари, Қорасув-1,2,3,4,6, Хумоюн, Феруза, Бўз-2 турар жой даҳалари, Геофизиклар шахарчаси.

3-ИМ (М-1,4)

28 июнь ва 23 июль — босим билан текшириш (опресовка) — Бунёдор шох кўчаси, Алишер Навоий, Олмасор, Абу Райхон Беруний, Ислоҳ Каримов, Қоратош, Фурқат, Афросиёб, Кичик ҳалқа йўли, Самарқанд дарвоза, Абай, Абдулла Қодирий, Кўча дарвоза, Бешёғоч, Нурафшон, Пахтакор, Талабалар кўчалари, Чорсу майдони, Чорсу, Қоратош, Олмасор, Бешёғоч, М-10,11,13,14, М-26,27,28, Б-1, Б-2, Б-3 турар жой даҳалари.

4-ИМ (М-0,1)

1 июль ва 30 июль — босим билан текшириш (опресовка) — Амир Темур, Мустақиллик шох кўчалари, Осий, Боғишамол, Минор 1-берк, Чингиз Айтматов, Кичик ҳалқа йўли, Хамид Олимжон, Мингўрик, Абдулла Қодирий, Бо-

домзор, Кўргазма, Қозитарнов, Гиргиртепа, Боғираво, Шивли, Шухрат, Муқаррама Турғунбоева, Шифонур, Гулсарой, Себзор, Олтинсой, Шимолий Олмасор, Зиё, Зулфияхоним, Лабзак, Нурафшон, Қорақамиш, 1-Қорақамиш кўчалари, М-1,2,4,5,6,12,15, М-17, 18 (Себзор), Тахтапул, Қорақамиш 1/1, 1/2, 1/3, 1/4, 2/1, 2/2, 2/5 даҳалари, Хамид Олимжон майдони.

4-ИМ (М-4,8)

26 июнь ва 24 июль — босим билан текшириш (опресовка) — Амир Темур шох кўчаси, Аҳмад Доғиш, Янгишаҳар, Деҳқонобод, Соҳибқор, Катта ҳалқа йўли, Кичик ҳалқа йўли, Шахристон, Уч Қаҳрамон, Мойқўрғон, Қулқоттепа, Янги Юнусобод, Юнусота, Жума масжид, Юнусобод даҳаси 1/19 мавзелари.

5-ИМ (М-0,4)

2 июль ва 29 июль — босим билан текшириш (опресовка) — Чилонзор даҳаси 5/12, 9А, 16/20, 24/26, М, 20А мавзелари, Дўмбиробод, Рохат, Исҳоқов, Бобоев, Усмур, Тахиятош, Дўмбиробод маҳалласи, Оқтепа, Шарқ, Гулистон, Ал-Хоразмий-1,2 турар жой даҳалари, Заргарлик, Лутфий, Нурафшон, Гулханий, Катортал, Гулистон, Муқимий, Боғистон, Фарҳод, Чўпонота, Боғибустон, Самарқанд дарвоза, Сеул, Кичик ҳалқа йўли, Нақшошлик, Қозиробод, Катта Хирмонтепа, Ширин, Мақсуд Шайхозода, 1-тор Катортал кўчалари, Оқтепа мавзеси.

6-ИМ

3 июль ва 24 июль — босим билан текшириш (опресовка) — Мунос, Сарикўл, Эски Сарикўл, Янгизамон, Янги Қўйлик, Абдурауф Фитрат, Фаргона йўли, Толлимаржон, Файзобод, Меҳржон, Сайхун, Сурхон кўчалари, Қўйлик-1/7, Қўйлик-Айланма турар жой даҳалари.

7-ИМ

25 июль ва 17 июль — босим билан текшириш (опресовка) — Қорасув, Бешарик, Бирлашган, Бирлашган 2-тор кўчаси, Чўлпон, Паркент, Элбек, Асалобод, Қурувчилар, Уйсозлар кўчалари, Охангарон шоссеси, Тузель-1,2,3,4, ДСК-1, Асалобод-1,2, Авиасозлар шахарчаси-1, 1а, 2,3,4 турар жой даҳалари.

8-ИМ

1 июль ва 31 июль — босим билан текшириш (опресовка) — Сергели 1/8А, Йўлдош-1/18, М-1,2,3, Дўстлик-1,2 турар жой даҳалари, Янги Сергели йўли, Меҳриғиё, Сўғдиёна, Қипчоқ, Чинор, Давлатобод-2, Дўстлик, Мирзо Турсунзода, Жаҳонаро, Қўрғонтепа кўчалари.

9-ИМ

27 июль ва 25 июль — босим билан текшириш (опресовка) — Чилонзор даҳаси 9, 9А, 10,13/15,15А, 21/

25,30,31 мавзелари, Шарқ, Ал-Хоразмий-1,2, Бешқайрағоч, Гулистон, Иза турар жой даҳалари, Тақачи, Гулистон, Ширин, Лутфий, Катта ҳалқа йўли, Уриқзор, Катта Хирмонтепа, Кичик ҳалқа йўли, Бешқайрағоч, Тўқимачи, Наҳрийёт, Юсуф Саққокий, Фозилтепа, Фарҳод кўчалари, Уриқзор бозори доирасида.

10-ИМ

4 июль ва 26 июль — босим билан текшириш (опресовка) — Фаробий, Беруний, Мухбир, Мирзо Голиб, Шифокорлар, Талабалар, Қамарнисо, Қорақамиш 1-кўча, Шифокорлар 2-кўча кўчалари, Ёшлик, Чимбой, Жарарик, Қорақамиш-2/3, 2/4, Бешқўрғон-1,2,3,4, Қамарнисо, УЗМУ — ТошДТУ, Олимпия, Ибн Сино 1,2, Белтепа даҳалари, Шифокорлар шахарчаси.

ИЭМ (М-0)

12 июль ва 2 август — босим билан текшириш (опресовка) — Шароф Рашидов, Мирзо Бобур, Шота Руставели, Боғибустон, Арнасой, Катта Чилонзор, Афросиёб, Фидокор, Шоҳжаҳон, Шоший, Абдулла Авлоний, Беларик, Имом ат-Термизий, Уриқзор, Боттепа 5-тор кўчаси, Жийдазор 1-тор кўчаси, Муқимий, Яқуб Колос, Чимкент, Сеул Аския, Чўпонота кўчалари, Чилонзор даҳаси 1/5, Е, Е1 мавзелари, М-7 турар жой даҳаси.

ИЭМ (М-5,8)

5 июль ва 9 август — босим билан текшириш (опресовка) — Амир Темур, Мустақиллик шох кўчалари, Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Глинка, Афросиёб, Қумарик, Яқў Фуломов, Буюк Турон, Махтумқули, Истикбол, Ислоҳ Каримов, Бухоро, Истикбол, Солиқ Азимов, Саид Барака, Матбуотчилар, Сайилгоҳ, Элбек, Кичик ҳалқа йўли, Шахрисабз, Тарас Шевченко, Нукус, Ойбек, Кичик Бешёғоч, Абдулла Қаҳқор, Хайдар Алиев, Олтин водий, Фидокор, Авлиёта, Моштабиб, Миробод кўчалари, М-1,2,4,5,7, Кушбеги, Бошлик, Учувчилар шахарчаси турар жой даҳалари.

"Водник" қозонхонаси

2 июль ва 17 июль — босим билан текшириш (опресовка) — "Сувсос" турар жой мавзеси доирасида, Хусайн Бойқаро кўчаси.

Сизнинг эътиборингизни иссиқлик тармоқлари қувурларида эшкастланишлар бўлиши мумкинлигига қаратамиз. Йўлларнинг қатнов қисмига ва пидедалар йўлига иссиқ сув сачраши мумкин, шу боисдан хайдовчилар ва пидедалар, мамыурий ва турар жой биноларидаги одамларнинг эҳтиёткор ва эътиборли бўлишлари талаб этилади. Вақтинчалик ноқулайликлар бўлишини тушунишнингизни сўраймиз. Ноодатий ҳолларни сезсангиз, (71) 215-72-73 телефони орқали маълум қилишингизни сўраймиз.

"VIP CARS TASHKENT" МЧЖга (ИНН 304916952) тегишли бўлган қуйидаги лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Лицензия варақаси	Русуми	Давлат рақами белгиси
АТ № 2407965	CHANGAN/SC1027DBA4	01F 879 CB

Тошкент туризм ва бизнес касб-хунар коллежи томонидан 2011 йилда Тошпўлатов Хумоюн Абдунаби ўғли номига берилган № 2241379 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ТАТУ томонидан 20.10.2017 йилда Нишонов Бобур Мамашариф ўғли номига берилган 22515-17 рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ТАТУ томонидан 29.09.2017 йилда Усманова Жанона Нурали қизи номига берилган 22911-17 рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кuni соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

Ўзгидромет ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 14 июль кuni ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмади. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 17-19, кундузи — 34-36 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 14 июнда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.